

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИДА ЎЛКАШУНОСЛИК БИБЛИОГРАФИЯСИНИ ЮРИТИШ

*Раҳимова Шоира,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
Миллий библиография маълумотлари
базасини шакллантириши хизмат раҳбари*

Ўлкашунослик, бу – ўлка, унинг табиий шароити, аҳолиси, тарихи, моддий ва маънавий маданияти тўғрисидаги билимлар мажмуидир. Ўлкашунослик маҳаллий аҳоли ҳаётининг тарихий-маданий, ижтимоий томонлари бўлган ватанпарварликни, Ватанга муҳаббатни шакллантиришни кўзда тутди. Бу вазифалар Республикамиз ахборот-кутубхона муассасаларидаги кутубхона ўлкашунослигининг асосий иш йўналишидир.

Ўлкашунослик фаолиятини талаб даражасида олиб бориш учун ўлкашунослик ресурслари ва уларни яратиш бўйича ишларни ташкил қилиш қуйидагича бўлинишга эга:

- ўлка ҳақидаги ҳужжатлар фондиди шакллантириш ва мунтазам тўлдириб бориш;
- ўлкашунослик бўйича ихтисослашган кутубхоналараро ҳамкорликни йўлга қўйиш, электрон каталогини тузиш;
- ўлка ҳақидаги ҳар қандай талаб ва сўровни тўлиқ кондириш учун маълумот-библиография ва ахборот-библиография хизмати-ни ташкил этиш;
- ўлкашунослик бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш ва уларнинг натижаларини оммалаштириш;
- ўлканинг миллий, этник, табиий-географик, маданий-тарихий, тил анъаналари тўғрисидаги ахборотларни тарғиб қилиш;
- ўлкашунослик музейлари, маданий ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик фаолиятини ўрнатиш.

Ўлкашунослик фондига мазмунан ўлкага бағишланган ҳар қандай ҳужжат-китоб, даврий ва давомли нашрлар, тўпламлардаги мақолалар, аудивизуал материаллар, плакатлар, варақалар, хари-

галар, электрон ҳужжатлар, машинкада ёзилган ҳужжатлар ҳатто кўлёзма манбалари ҳам йиғилади.

Юқорида келтирилган барча турдаги ресурсларни албатта биринчи навбатда кутубхонанинг маълумот библиографик аппаратида акс эттириш орқали амалга оширилади.

Маълумот-библиографик аппарат (МБА) – ахборотни қидириш, адабиётларни тарғиб қилиш ва ўқишга раҳбарлик қилишга мўлжалланган маълумотнома ва библиографик нашрлар фонди, кутубхона каталоглари ва картотекаларининг мажмуасидир. МБА ўзида библиографик, кутубхоначилик ва фактографик ахборотни ҳужжатли шаклда сақлайди.

МБА каталоглар, картотекалар, маълумотнома-библиографик нашрлар фонди, электрон каталог, маълумотнома нашрлар фонди, бажарилган мавзули маълумотлар фондидан иборат бўлиши керак.

Каталоглар кутубхона фондида мавжуд матбуот асарларини акс эттиргани ҳолда, картотекалар эса фондда бўлмаган материалларни ҳам ёритиши, ўзгарувчанлиги, ривожланувчанлиги билан каталоглардан фарқ қилади ва уларни тўлдиради. Ўлкашуносликка тузилган МБАда мақолаларнинг системали картотекаси ва мавзули картотекалар албатта ўз аксини топган бўлиши керак.

Мақолаларнинг системали картотекаси – универсал, мўлжалланишига кўра умумий бўлиб, бутун картотекалар тизими ядроси функциясини бажаради ва у юритиш мажбурий бўлган картотекадир. Бу картотека ахборот-кутубхона муассасасидан фойдаланувчиларининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш фаолияти, ўқиш ва мустақил билим олиш билан боғлиқ ахборот эҳтиёжларини тезкорлик билан кондиришга мўлжалланган картотекадир.

Картотеканинг тузилиши системали каталогнинг тузилишига ўхшаш, унинг системали каталогдан фарқ қиладиган хусусияти – журналлар, газеталар, давомли тўпламлардаги янги материалларни тезкорлик билан акс эттиради, янги ва долзарб масалалар бўйича рукнлар мунтазам киритилади.

Мавзули картотекалар ўз мақсади, мазмуни, мўлжалланиши ва фойдаланилиши бўйича энг долзарб муаммоларни ёритувчи ҳужжатларни акс эттириш ва тарғиб қилишга қаратилган. Мавзули картотекалар шу мавзу ўз долзарблигини йўқотгунга қадар ва

бу мавзу босма библиографик қўлланмалар билан таъминлангунга қадар юритилади. Ўта муҳим мавзулар бўйича босма мавзули кўрсаткичлар мавжуд ҳолда ҳам, унинг давоми сифатида мавзули картотекани юритиш мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистондаги ахборот-кутубхона муассасаларида библиография ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ва республикамизнинг барча ахборот-кутубхона марказларида (АКМ) илмий-библиографик, айниқса ўлкашунослик мавзуси бўйича ишлар ташкил этилган бўлиб, библиографик қўлланмаларнинг босма нашрлари билан бир қаторда электрон шакллари тузиш ишлари йўлга қўйилган. Ўлкашунослик мазмунидаги библиографик қўлланмаларни мунтазам тузиш, фойдаланувчилар ўртасида адабиётни тарғиб қилишнинг энг қулай ва самарали усуллари ҳисобланади.

Ўлкашунослик библиографияси турларини ажратишда мазмун – ҳудуд (мазмун – расмий) белгисига асосланилади. Биринчи навбатда мамлакатнинг маълум бир олинган жойи (туман, шаҳар, вилоят, географик зона ва ҳ.к.) билан мазмунан боғлиқ бўлган адабиётларни библиографиялаш тушунилади. Иккинчи навбатда эса бутун бир олинган давлат, мамлакат ҳақидаги адабиётларни библиографиялаш демакдир. Бундай адабиётлар мазмунан турли-туман бўлиши мумкин, масалан, шу ўлка ёки давлатнинг тарихи, халқ хўжалиги, фани, маданияти ҳақида, ўлка ёки мамлакат ҳаётининг ҳамма томонлари ҳақидаги адабиётни ўз ичига олади ва бу библиография универсал ўлкашунослик ёки мамлакатшунослик библиографияси дейилади.

Ўлкашунослик мазмунидаги библиографик қўлланмаларни тузишда унинг шакллари, хиллари, нашрларга тузилган кўрсаткичлари ҳақида яхши тушунчага эга бўлган ҳолда амалга ошириш зарур.

Библиографик қўлланма – мақсади, мазмуни, шакли бўйича бириктирилган кўп сонли библиографик ёзувлар (тасвирлар)нинг маълум бир тартибга солинган йиғиндисидир. Библиографик қўлланмаларнинг қуйидаги асосий шакллари ажратилади:

- библиографик нашрлар – вақтли, давомли ва нодаврий (вақаалар, плакатлар) қўлланмалар;

- мустақил бўлмаган нашриёт шакллари (китоб ичи, журнал ичи, газета ичи, мақолалар ичи библиографик материаллар);
- карточкали шакллари (каталоглар ва картотекалар)
- автоматлаштирилган ахборот кидрув тизими (электрон библиографик ҳужжатлар).

Библиографик қўлланмаларнинг асосий хилларига: библиографик кўрсаткич, библиографик обзор, библиографик рўйхат киради.

Библиографик кўрсаткич – мураккаб тузилишга эга бўлган, ёрдамчи аппаратлар билан таъминланган библиографик қўлланма;

Библиографик обзор – библиографиялаш объекти – ҳужжат ҳақида бир-бирига боғланган ҳолда маълумот берувчи библиографик қўлланма;

Библиографик рўйхат – содда тузилишга эга бўлган, ёрдамчи аппаратларсиз библиографик қўлланма.

Нашрларга тузилган кўрсаткичлар – нашрнинг таркибий илмий справка аппарати ҳисобланади. Алифболи, хронологик, сарлавҳалар кўрсаткичлари нашр таркибини ёритади ва алоҳида ҳужжатни кидиришни енгиллаштиради. Предмет, географик номлар кўрсаткичлари эса нашрга киритилган ҳужжатларнинг мазмунини очиб беради.

Исмлар кўрсаткичи маълум бир муаллифнинг бир асарини ёки асарларини, алоҳида олинган шахсга бағишланган асарларни, муҳаррирлар, мусаввирлар ва бошқа ҳужжатни яратишда иштирок этган шахслар ҳақида маълумотларни кидириб топишда ёрдам беради.

Ўлкашунослик библиографик қўлланмаларини тузиш босқичлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мавзусини аниқлаш;
- режа-проспектини тузиш;
- ахборот-ҳужжатларни кидириш;
- библиографик ҳужжатларни тўплаш;
- ҳужжатларни библиографик тавсифлаш;
- ҳужжатни аннотациялаш;
- ишчи аппаратини ташкил қилиш;
- классификациялаш схемасини ишлаш;
- йиғилган материалларни системалаштириш;
- кўрсаткични таҳрирлаш;
- библиографик қўлланмани расмийлаштириш.

Ушбу санаб ўтилган босқичлар библиографик қўлланманинг тўғри ва тўлиқ тузилишини таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда замонавий технологияларнинг жорий қилиниши билан ўлкашунослик ресурсларининг мазмунида ҳам бир мунча ўзгаришлар рўй бермоқда. Масалан, ўлкашунослик маълумотлар базасида бир вақтнинг ўзида библиографик, тўлиқ матнли ва фактографик ахборот мавжуд бўлади. Бир ресурс турлича мақсадлар: илмий тадқиқотга ёрдам бериш, ўлканинг иқтисодий ва маданий ривожланишига ёрдам бериш, маънавий, ахлоқий ва ватанпарварлик тарбияси мақсадларига хизмат қилиш, бир вақтнинг ўзида ҳам олим, ҳам бошқа фойдаланувчини қизиқтира олиш каби ишларда фойдаланиши мумкин.

Ўлканинг тўлиқ электрон ўлкашунослик ресурсини яратишда АКМ ва АРМлар, бевосита ўлкашунослик музейлари, вилоят архивлари, йирик ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатиш орқали амалга ошириш керак. Маҳаллий жойларда кенг жамоатчиликни, айниқса, ёшларни ўлка ҳақидаги билимларни эгаллашга ундовчи турли тадбирлар ва танловлар ўтказишни ташкил қилиш орқали ўлкашунослик фаолиятини ривожлантириш зарур.

Ахборот – кутубхона муассалари юқорида айтилганидек МБА юритиш ва библиографик қўлланмаларини тузишда албатта, Ўзбекистонда жорий қилинган стандартларни қўллаган ҳолда амалга оширишлари зарур.

Хулоса қилиб айтганда бугунги кун талаби, ахборот-кутубхона муассасаларида ўлкашунослик библиографиясини юритишда маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлашга қаратилган. Бунинг учун ҳар бир ахборот-кутубхона муассасаси фондидаги мавжуд босма ва электрон ресурсларни яратиш билан чекланиб қолмасдан, балки бошқа ахборот-кутубхона муассасалари билан маълумот алмашиш орқали фойдаланувчилар ўртасида адабиётларни тарғиб қилишни йўлга қўйиш даркор. Бу эса фойдаланувчиларга ўлкашунослик ресурслари ҳақида тўлиқ ва самарали хизмат кўрсатишнинг юқори босқичга кўтарилишига хизмат қилади.